

## **Фикр айлағил**

Оқил фикр айлағил ки на ишлаюр аҳли ватан,  
Қайси фосиқ, қайси жохил, қайсиси бўлди чапан?

Қилдилар бир-бирига душманликни ҳар вақт беибо,  
Бир-бирини айбин очмоқға киришдилар бажан.

Ер сотарлар элда нечта тўй бажо этмак учун,  
Чунки бидътин йўлида ҳам фидодур жону тан.

Пулни кўб исроф этармиз, бизға ўғри келмагай,  
Тўлибон тошти бу вақт ул ақчаларидин рестўран.

Занлари соҳибжамолу ҳам сатанг деб ўйлама,  
Еб-ичиб жир битмаган андағи сигири белабон.

Қизларин бўйнида кўруб зебигардон ҳам тумор,  
Ўйламангиз олима деб жумласи нафсиз, зиён.

Тушса пул қўлига гар соатча тўхтаб турмагай,  
Чунки нодонни қўлида мушт туфроқдур суман.

Қодирий наздингиза оз ҳасратидан сўйлади,  
Айб этуб қилманг ҳақорат, муҳтарам аҳли ватан.

*Toшканӣ, Абдулла Қодирий жанобларингиздур.  
Ойна, 1915.12-сон.*